



MINISTRY OF HEALTH OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



FERGHANA MEDICAL INSTITUTE
OF PUBLIC HEALTH



AZERBAIJAN MEDICAL
UNIVERSITY

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ФЕРГАНСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДОРОВЬЯ**

СБОРНИК

**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ**

**“АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЭПИДЕМИОЛОГИИ
ИНФЕКЦИОННЫХ И
НЕИНФЕКЦИОННЫХ БОЛЕЗНЕЙ”**

12 April

2022

FERGHANA



Выводы: АБТ уроинфекций у беременных проводился необоснованно и нерационально. Выбор АБС проводился без бактериологического анализа, без учета спектра действия и резистентности вероятного возбудителя инфекций в отношении выбранного препарата. При проведении АБТ не соблюдены принципы рациональной химиотерапии.

ИЧИМЛИК СУВИГА БОҒЛИҚ ЭНДЕМИК КАСАЛЛАНИШ ХОЛАТИ

Шеркўзиева Г.Ф., Бобоева И.У., Оразбоева Ш.Э.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда уни сув орқали тарқаладиган турли ноюқумли касалликлардан асраш ва сувнинг кимёвий таркибини ўзгаришидан келиб чиқадиган заҳарланишни олдини олиш кўзда тутилиши керак, чунки сувнинг инсон организмга таъсири бевосита бўлиши мумкин, бунга юқумли касалликлар, инвазиялар, заҳарланишлар, эндемик ноюқумли касалликлар киради. Сувнинг кимёвий таркибига боғлиқ эндемик касалликлар ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, хусусан бизнинг республикамизда сийдик тош касаллиги худудий патология ҳисобланади. Маълумотларга кўра, буйрак-тош касаллиги – нефролитиазга чалинувчилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Хасталикка доир кўрсаткич эркак ва аёлларда деярли бир хил. **ЖССТ берган** маълумотларга кўра ер юзининг 3 млрд аҳолиси сифатсиз сувни истеъмол қилмоқда. Ер юзи аҳолисида учраган касалликларининг 2 минг дан ортиқ тури айнан сифатсиз сув истеъмоли билан боғлиқдир. Дунёнинг 25% аҳолиси сифатсиз сув истеъмоли сабабли турли касалликларга учрайди, ер юзи аҳолисининг ҳар ўнинчиси касалланади, ҳар йили деярли 4 миллион болалар ва 18 миллион катталар айнан сифатсиз сув истеъмоли сабабли турли касалликлардан вафот этадилар. Сувни ва бошқа чанқов босди ичимликларни хаддан зиёд кўп истемол қилиш зарарлидир чунки бундай ҳолатда юрак ишининг ва ажратиш аъзоларининг (тери, буйрак) фаолиятининг ошишига олиб келади. Бундай ҳолларда организмнинг тери сатҳидан кўп миқдорда суюқлик ажралиши натижасида шу билан бир қаторда тери билан организмда сувда эрийдиган витаминлар ош тузи ва минерал тузлар ҳам чиқиб кетади.

Одам бир кеча кундуз мобайнида ёшига қараб 100мл -3000мл атрофида сув истемол қилади, жумладан 12001-300мл (48%) сувни суюқлик кўринишида 1000-1200 сувни овқат таркибида истеъмол қилади. Озиқа моддаларнинг эндоген оксидланиши натижасида организмда 300 мл атрофида сув ҳосил бўлади. Организмдаги сув доимо янгиланиб туради: катта ёшли одамда 15кун мобайнида болаларда эса 35 кун ичида барча сув молекулалари янгиланиб туради. Инсон организмнинг буйрак, ўпка, меъда- ичак йўли, тери сув алмашинувида фаол иштирок этади.

Ичимлик сувининг қаттиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки қаттиқлик меъёрдан юқори бўлса аҳоли ўртасида буйрак тош касалликлари кўпайишга сабаб бўлади. Мутахассислар, буйрак хасталиклар билан боғлиқ ирсий мойиллик 1-2 фоиз эканлигини таъкидлашади. Баъзан оила аъзоларида сийдик-тош касаллиги

ёҳуд поликистоз аниқланган бўлса, унинг кейинги авлодларида мазкур хасталикларнинг бирортаси ҳам кузатилмаслиги мумкин. Кўпчилик буйракда тош пайдо бўлишига фақатгина организмда модда алмашинувининг бузилиши, тузли овқатларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, деб ўйлайди. Ушбу касалликка чалинишнинг ичимлик сувининг сифати хусусан қаттиқлигидан ташқари бошқа бир қатор омиллари ҳам мавжуд. Етарли миқдорда суюқлик қабул қилмаслик, сийдик йўлларидаги инфекциялар, пешоб ҳажми камайиши ёки таркибида тош ҳосил қилувчи моддалар кўпайишидан ҳам буйракда тош йиғилиши мумкин. Иқлим омили бунда инсон иссиқ иқлим шароитида яшаса, кўп терлайди. Натижада танадаги баъзи тузларнинг концентрацияси ошади ва тошлар пайдо бўлишни бошлаши мумкин. Географик омил ҳам ушбу касалликнинг пайдо бўлишида муҳим ҳисобланади. Бунда сувнинг таркиби муҳим роль ўйнайди (таркибида кальций тузлари кўп бўлган қаттиқ сув уролитиаз юзага келишига имкон яратади), озиқ-овқат (аччиқ ва нордон овқат сийдикнинг кислоталилигини оширади, бунинг оқибатида тошлар осонроқ ҳосил бўлади). Озиқ-овқатларда витаминларнинг ва ультрабинафша нурларининг доимий етишмаслиги тош ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз аҳоли истеъмол қилаётган водопровод ва қудуқ сувларининг умумий қаттиқлик кўрсаткичларини ва унга боғлиқ равшда аҳоли ўртасида буйрак тош касаллигининг тарқалишини ретоспектив таҳлил қилишни мақсад қилдик. Текшириш объекти бўлиб аҳоли яшаш жойларида водопровод ва қудуқ сувларининг умумий қаттиқлик кўрсаткичлари. Ишни бажаришда қонуний меъёрий ҳужжат ДавСТ950-2011“Ичимлик суви” дан фойдаланилди. 2017 йил водопровод сувдан олинган умумий намуналар сони 640 та бўлиб, улардан 48 (7,5%) ида, қудуқ сувида эса барча олинган намуналарда умумий қаттиқлик меъёрдан юқори эканлиги аниқланди. 2018 йилда водопровод сувдан олинган умумий намуналар сони 709 та, улардан 75 (10,5%)ида, қудуқ сувида эса барча олинган намуналарда умумий қаттиқлик меъёрдан юқори эканлиги қайд этилди. 2019 йил водопровод сувдан олинган умумий намуналар сони 983 та бўлиб, улардан 68 (6,9%) ида, қудуқ сувида эса барча олинган намуналарда умумий қаттиқлик бўйича гигиеник талабларга жавоб бермаган. Ушбу йилларда биз аҳоли ўртасида буйрак тош касаллигининг тарқалишини таҳлил қилганимизда 2017 йил сийдик таносил тизими касалликлари жаъми -2034 та ҳолат қайд этилган бўлиб, улардан 10 та (0,5%) ҳолат бевосита сийдик тош касаллиги бўлиб, улардан 6 та ҳолат аёлларда қайд этилган ва 2 та ҳолат диспансер назоратга олинган. 2018 йил сийдик таносил тизими касалликлари жаъми -1673 та ҳолат қайд этилган бўлиб, улардан 10 та (0,6%) ҳолат бевосита сийдик тош касаллиги бўлиб, улардан 6 та ҳолат аёлларда қайд этилган ва 4 та ҳолат диспансер назоратга олинган. 2019 йил сийдик таносил тизими касалликлари жаъми -1815 та ҳолат қайд этилган бўлиб, улардан 10 та (0,6%) ҳолат бевосита сийдик тош касаллиги бўлиб, улардан 6 та ҳолат аёлларда қайд этилган ва 4 та ҳолат диспансер назоратга олинган.

Кузатув йилларининг барчасида қудуқ сувининг қаттиқлик даражаси гигиеник талабларга мос келмади. Сийдик тош касаллиги эркакларга нисбатан аёлларда кўп қайд этилганлиги аниқланди. Аҳоли ўртасида сувнинг умумий қаттиқлигига

боғлиқ касалликлар профилактикасида ичимлик сувининг умумий қаттиқлигини доимий назорат қилиб туриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ТАРҚАЛИШИДА ИЧИМЛИК СУВИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шерқўзиева Г.Ф.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи ифлосланган сув орқали юқишини аниқладилар. Сувнинг касаллик тарқатувчи микроорганизмлар билан зарарланиши қорин тифи, дизентерия, вабо, вирусли гепатитнинг А тури каби бир қатор юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Қорин тифи сув орқали тарқалиши асосан очиқ марказлаштирилмаган ва марказлаштирилган сув тармоқларини бактериял ифлосланиши билан боғлиқ. Аҳоли ўртасида турли юқумли ва эндемик касалликларни олдини олиш ва экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида, ҳамда аҳолини сифатли ва етарли миқдорда тоза ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида кучли қонунчилик яратилган. Хусусан “Аҳолининг санитария – эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида 4 боб 26 моддасида ҳам “Хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашга доир талабларда : Хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларга етказиб берилаётган сувнинг сифати санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларга, шунингдек, давлат стандартларига мувофиқлигини таъминлаш шарт” деб белгилаб қўйилган. Аҳоли томонидан сарфланадиган сувнинг кундалик миқдори жойнинг иқлим шароитига, аҳолининг маданий-маиший шароитларига, турар жойларнинг ободонлаштирилганлик даражасига, канализация ва водопровод тармоқларининг ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

Аҳолининг ичимлик сувига боғлиқ юқумли касалланиш ҳолати ўрганилганда биз қуйидаги натижаларни олдик: туман бўйича сальмонелез касаллиги 2017 йил 1 та (республика бўйича — 141та) ҳолат, 2018 йил — 2 та(республика бўйича — 94 та), 2019 йил — 1 та (республика бўйича — 43 та), 2020 йил эса туманда қайд этилмади, аммо республика бўйича 25 та ҳолат аниқланди. Барча кузатув йилларига нисбатан 2020 йилда ҳолат яхши бўлди(1 расм).

62	Шеркўзиева Г.Ф. ИЧИМЛИК СУВИГА БОҒЛИҚ ГЕПАТИТ КАСАЛЛИКЛАР ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ	157
63	Эшонхужаев О.О., Тургунов М.А. ОЦЕНКА ЧАСТОТЫ И КАЧЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АНТИБАКТЕРИАЛЬНЫХ СРЕДСТВ ПРИ УРОИНФЕКЦИЯХ У БЕРЕМЕННЫХ ПАЦИЕНТОВ	159
64	Шеркўзиева Г.Ф., Бобоева И.У., Оразбоева Ш.Э. ИЧИМЛИК СУВИГА БОҒЛИҚ ЭНДЕМИК КАСАЛЛАНИШ ХОЛАТИ	160
65	Шеркўзиева Г.Ф. ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ТАРҚАЛИШИДА ИЧИМЛИК СУВИНИНГ АҲАМИЯТИ	162
66	Эшонхўжаев О.О. КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КЕЧГАН ЎТКИР ЗОТИЛЖАМ КАСАЛЛИГИДА ТАБИИЙ ВА СИНТЕТИК ПЕНИЦИЛЛИНЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ	164
67	Эрматова Г.А. ҚОРАОҚСОҚ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ТИББИЙ САНИТАРИЯ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ МУҲИМ РОЛИ	165
68	Юсупалиходжаева С. Х., Шомуродова Г. Х., Патхиддинова М. Ш. ИЗУЧЕНИЕ ПОВЫШЕНИЯ АНТИМИКРОБНОЙ АКТИВНОСТИ ГИПОХЛОРИДА НАТРИЯ ПРИ ФОТОДИНАМИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКЕ ЛАЗЕРОМ	166
69	Юлдашева М.Т. МЕЖСИСТЕМНЫЕ ВЗАИМОСВЯЗИ ИММУНОЙ И ЭНДОКРИННОЙ СИСТЕМЫ : МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТИМУСА ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ ГИПОТИРЕОЗЕ	169
70	Ашурова М.Д. , Сайдуллаева К.М. , Маматова М.А. БОТУЛИЗМ: КЛИНИКА, ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ	172
71	Abdulxakimov A. R., Fattaxov N. H. WHAT SHOULD BE THE CONVERSATION WITH THE PATIENT	175
72	Жумаева А. А., Саидов А. А. МАТЕРИАЛЫ К ОБОСНОВАНИЮ ГИГИЕНИЧЕСКИХ НОРМАТИВОВ НОВОГО ИНСЕКТИЦИДА СЕЛЛЕР В ОБЪЕКТАХ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ	175
73	Abdulkhakimov A. R., Fattakhov N. H. DIFFICULTIES IN DIAGNOSING ACUTE APPENDICITIS IN CHILDREN	177
74	Babadjanova X.M. BOLA UYQUДА KO'P TERLASH SABABLARI, TASHXISLASH VA DAVOLASH USULLARI	177